


Одамзот турфа феълли бўлганидек, кушлар хам бири-бирига ўхшамайдиган турфа хил характерга эга. Масалан, майнадай беобрў, ноинсоф куш йўк. Бир пайтлар илмий тадкикотлар ўтказиш учун Мўлтон шахридан олиб келинган бу кушлар хаддан ташкари кўпайиб, хамма жойда хукмронликни кўлга олди, ноёб турдаги кушларнинг кўпларини кириб юборди. Олашакшак каллайи сахардан шакиллаб дилни хуфтон килади, пойлаб туриб ховлилардан жўжаларни, хатто мушук боласини чангалига илдириб кочади.

Яна какку деган куш бор. У ўз тухумини бошка кушларнинг уясига кўйиб чикади. Тухум очиб чиккан какку боласи биринчи галда ёнидаги жиш болаларни уядан улоктириб ташлайди. Овсар кушлар битта боласи колганига хам шукур килиб, уни ўлиб-тирилиб бокади. Какку боласи улгайгач, уясини бузиб ташлаганидан кейин уни тарк этади.

Революцияга мойил бўлган шахслар хам какку кушга ўхшайди. Улар какку бегона кушнинг уясига тухумини ташлаб кетганидай, оддий халкка ўз гояларини тикиштирмокчи бўладилар, гапга чечан ва ўта кобилиятли бўлганликлари туфайли бу вазифаларини боплаб уддалайдилар. Мана, нихоят бегона уяга революция тухуми кўйилди, энди хаммаёкни алгов-далгов килиб юборадиган какку боласи дунёга келади.

Какку боласи сал жонланганидан кейин «Биз билан бўлмаганлар-бизнинг душманларимиз!» кабилида иш кўради, катагон, сургун, хунрезликлар авжига чикади,

революция номи билан оммавий курбонликлар келтирилади. Шундан кейин халк революцияни бока бошлайди, мехр билан парвариш килади. Революциянинг эса халкка тупургани бор, унинг каллаварамлигидан фойдаланиб, ўзига хизмат килдиради, хохлаган одамини халк душманига айлантириб, халкнинг номидан иш кўради. Охир-окибатда, революция халкни боши берк йўлга такаб, какку кушдай хонавайрон килиб кетади. Бу пайтда революция рухида шаклланган майналар-котиллар, осийлар, мурдор ва жохиллар хамма жойда хукмронликни кўлга олади. Улар революция анъаналарини давом эттириб, унинг номи билан турли фитналар уюштирадилар. Хур фикрли инсонларни таъкиб киладилар, халк номидан уларнинг шаънини булгаб, хаётига нукта кўядилар.

Ўртада олашакшак ахён-ахёнда ўзининг зугумларини кўрсатиб туради, хунук шакиллаб, жўжа ва мушук болаларини олиб кочаверади. Халк буларнинг хаммасини кўриб туради ва революция мажбурияти онгига ўралашиб колганлиги туфайли ўзини улугвор тутишга мажбур бўлади. Зеро, бу кайфият факатгина халкка хос бўлган хислат.

1919 йилда Халк комиссарлари кенгаши йигилишида Ленин «Темир Феликс»га «Камокхоналарда энг ашаддий контрреволюционерлар канча?» — деб ёзилган когозча узатади. Дзержинский савол рўпарасига «1500» деган ракамни кўйиб, когозчани Ленинга кайтаради. Дохий бурнини тортиб, ракамдан кейин + белгисини ясайди ва Темир Феликсга беради. Когозчани олган Дзержинский секингина ўрнидан туриб, йигилишдан чикиб кетади. Эртасига шўро камокхоналаридаги барча махбуслар англашилмовчилик туфайли отиб ташланганлиги маълум бўлади. Халк айбдорни жазолашни талаб килиб туриб олади. Шунда дохий бор-йўги Дзержинскийга берилган когозчадаги ракам рўпарасига «ўкидим» деган маънода + белгисини кўйганлигини, революция йўлида билиб-билмай килинган хатолар хам уни саклаб колиш максадига каратилганлигини айтиб, яна уларнинг ишончини козонади ва бу гал хам сувдан курук чикади.

Большевизм захм эмас, шунинг учун пролетариат дохийси канча уринмасин, бу касалликни бутун дунёга юктиролмади. Ундан хукмронликни мангу кўлда тутиб туришни жон-дилидан истаган майналар-революциянинг сассик кекиришлари колди холос. Грузин ёзувчиси Нодар Жиннинг «Устоз ёки Иосиф ижод этган инжил» романида Лаврентий Берия Молотовга кўнгирок килиб, Иосиф Гришашвили деган халк шоири «Шамоллаб колма кўзичогим!» номли шеърий тўпламида хар бир кўзичок учун кайгуришини, шунга карамай, ўзи кўзи гўштини маза килиб ейишини айтади. Берия нима демокчи? Халк-кўзичок. Жонкуяр-дохий. Лекин у кўзи гўштини маза килиб ейди.

Африкадаги кабилалардан бирида сардорни ўн йилга сайлашар экан. Агар сардор яхши ва мехрибон бўлса, уни етти йилдан кейин хосилдорлик мавсумида ейишар экан. Нега ейишади? Африкаликлар анойи эмас, сардор революция килиб кўймасин, деб шундай килишади. Уларга инкилоб эмас, осойишталик керак. Шунинг учун хар етти йилда истихола килиб ўтирмасдан сардорларини еяверишади. Шундай килишмаса, сал жонланган сардор какку боласи бегунох жиш болаларини янчганидай уларни янчиб ташлаши мумкин.

Шўро империяси таркаб дунёни кайтадан, маданий кўринишда таксимлаш савдоси авж олиб кетган бир даврда какку, майна ва олашакшакларнинг хушёрлиги ошди, улар бегона кушлар уясини очикчасига, безбетларча ишгол килиш харакатига тушди. Хатто баъзи кушларнинг уяларига тухум кўйиб, бола очдириб олди. Энди какку болалари уянинг хакикий эгаларини махв килиб, нафсини кондиради, эрта-индин уни хам хонавайрон килиб, яна навбатдаги курбонни тузогига илинтириш учун учиб кетади.

Бу шоирнинг хар бир кўзичокка жони ачишидай ва шунга карамай, рохатдан кўзи шакшайиб, кўзи гўштини хузур килиб ейишидай гап. Шундай холат рўй бермаслиги учун беандиша каккуларнинг бегона кушлар уяларига тухум кўйиш ва бола очиришига бархам бериш, майна ва олашакшаклар кўлига хукмронлик тизгинларини тутказмаслик ўз уйимизни, хонадонимизни асрашнинг мухим шартларидан биридир. Шамоллаб колма, кўзичогим!

Нурилло ОСТОН